ШАЙХ ҲИММАТИЙ – ЗАНГИ ОТА МЕРОСИНИНГ ЎРГАНИЛИШИ

ШАЙХ ХИММАТИ – ИЗУЧЕНИЕ НАСЛЕДИЯ ЗАНГИ АТА

SHAYKH HIMMATIY – A STUDY OF THE HERITAGE OF ZANGI ATA

Тохир А. ХАТАМОВ
INTERNATIONAL ISLAMIC ACADEMY OF UZBEKISTAN, Doctor of Philosophy PhD, Associate Professor of the Department for IRCICA Islamic History and Source Studies 11, A.Kadiri, Tashkent, 100011, Uzbekistan

DOI: 10.47980/IIAU/2024/1/3

Аннотация: *Мақолада Ҳазрат Занги ота маънавий-маърифий, ижтимоий-ахлоқий фаолиятига оид мустақиллик йилларида амалга оширилган тадқиқотлар исломшунослик, тарихшунослик фанлари нуқтаи-назардан таҳлил этилди ва тарихий тадқиқот усулларидан фойдаланилган ҳолда хулосалар берилган.*

Тасаввуф таълимотининг йирик вакили ҳисобланган ҳазрат Занги ота фаолияти ҳақида мустақиллик йилларида олиб борилган бир қатор тадқиқотлар, асарлар, монографиялар, рисолалар, мақолалар, газета ва журналларда илмий-оммабоп материаллар ўрганилган. Ўрганиш жараёнида аниқланган маълумотлар асосида Занги отанинг тасаввуф таълимоти бўйича олиб борган маънавий-маърифий фаолиятига доир таҳлилий хулосалар берилган.

Ҳазрат Занги отанинг ҳаёт йўли мухтасар ҳолда ёритилиб, сўнгги йилларда амалга оширилган, энг янги тадқиқотлардан ҳам кўплаб маълумотлар келтириб ўтилган. Шуни алоҳида таъкидлашимиз зарурки, Хожа Аҳмад Яссавийнинг издоши, улуғ авлиё, Яссавийлик тариқатининг тарғиботчиси, туркий халқлар шайхи, Ҳикматий тахаллуси билан ижод қилган хикматнафис шоир сифатида машҳур бўлган Занги ота маънавий-маърифий фаолиятининг бугунги кундаги долзарб аҳамияти ҳам кўрсатиб имкон даражасида кўрсатилган.

Истиқлол йилларида нашр этилган катологларда ҳам Хожа Аҳмад Яссавий меросига доир маълумотлар берилган, жумладан, ўзбек ва немис олимлари ҳамкорлигида тайёрланган катологлар, Занги ота шажараси бўйича тадқиқотчилар, олимлар томонидан аниқланган янги илмий натижалар ҳам мазкур мақолада мухтасар баён этилган.

Хожа Аҳмад Яссавий томонидан асос солинган Яссавийлик тариқати ва тариқат издошлари, устоз - шогирдлик анъанаси, ҳикматнафислик каби масалаларга маълум даражада тўхталиб ўтилган.

Занги ота фаолияти бўйича академик А.Саидовнинг илмий тадқиқот ишлари, жумладан, "Ҳазрат Занги ота" китобидаги қимматли маълумотлар ҳақида ҳам бир қатор ижобий хулосалар берилган.

Ҳазрат Занги отанинг ўз умри давомида дин ҳимояси, миллат тарбияси, тасаввуф тарғиботи бўйича олиб борган маънавий фаолияти, бугунги авлод учун ижобий аҳамиятга эга маърифий мерос ҳисобланиниши эътиборга олинди ва имкон даражасида Ҳазрат Занги ота маънавий фаолияти мазкур мақолада ёритилган.

Калит сўзлар: *Мустақиллик, Яссавийлик, Ҳаким ота, Занги ота, Амир Темур, зиёрат туризми, илмий тадқиқотлар, монография, манбалар, қўлёзмалар, Анбар она, Ҳикматий, ҳикмат, А.Фитрат, А.Саидов, Занги ота мажмуаси, тасаввуф, тариқат, шайх, авлиё, исломшунослик, тарихшунослик.*

Аннотация: *В статье с точки зрения исламоведения, историографии проанализированы исследования духовно-просветительской, социально-этической деятельности Занги ата в годы независимости с использованием исторических методов исследования.*

На научных и популярных материалах изучен ряд исследований, работ, монографий, брошюр, научных, газетных и журнальных статей о деятельности Занги ата, считающегося крупным представителем суфизма. Даны аналитические выводы о духовно-просветительской деятельности Занги ата в области суфизма.

Подробно освещен жизненный путь Занги ата, а также приведена подробная информация из новейших исследований, осуществленных в последние годы. Необходимо подчеркнуть духовно-просветительскую деятельность известного как последователь Ходжи Ахмада Яссави − Занги ата −великого святого, пропагандиста тариката яссавийа, шейха тюркских народов, мудрого поэта, творившего под псевдонимом Химмати.

В каталогах, изданных в годы независимости, также содержатся сведения о наследии Ходжи Ахмада Яссави, в том числе каталоги, подготовленные в сотрудничестве с узбекскими и немецкими учеными, исследователями генеалогического древа Занги ата, а также новые научные результаты, определенные учеными, что кратко описано в данной статье.

В определенной степени были затронуты понятия тариката яссавийа, основанного Ходжой Ахмадом Яссави и его последователями, традиции наставника–ученичества, мудрости и т. д.

Дан ряд положительных заключений о научно-исследовательской работе академика А. Саидова о деятельности Занги ата, в том числе ценные сведения в книге «Хазрат Занги ата».

Духовная деятельность Занги ата в области религиозной защиты, просвещения нации, пропаганды суфизма считается положительным образовательным наследием для сегодняшнего поколения, а деятельность Занги ата была освещена в данной статье всесторонне и подробно.

Ключевые слова: *Независимость, яссавиты, Хаким ата, Занги ата, Амир Темур, паломнический туризм, научные исследования, монографии, источники, рукописи,*

Анбар она, Химмати, хикмат, А. Фитрат, А. Саидов, комплекс Занги ата, суфизм, тарикат, шейх, святой, исламоведение, историография.

Abstract: *In the article, the researches on the spiritual-educational, socio-ethical activities of Hazrat Zangi ata during the years of independence were analyzed from the perspective of Islamic studies, historiography, and many conclusions were given using historical research methods.*

A number of research works, books, monographs, pamphlets, articles, scientific and popular materials in newspapers and magazines about the activities of Hazrat Zangi ata, who is considered to be a major representative of Sufism, have been studied. Analytical conclusions are given on the spiritual and educational activities of Zangi ata in the field of tasawwuf.

The life path of Hazrat Zangi ata has been introduced in detail, and a lot of information has been cited from the latest researches carried out in recent years. It is necessary to emphasize that the spiritual and educational activity of Zangi ata, famous as a follower of Khoja Ahmed Yassavi, a great scholar, promoter of the Yassavi order, sheikh of the Turkic peoples, and a wise poet who wrote under the pseudonym Himmatiy, has been clearly described.

The catalogs published in the years of independence also contain information about the heritage of Khoja Ahmed Yassavi, including the catalogs prepared in cooperation with Uzbek and German scientists, researchers on Zangi's family tree, and new scientific results determined by scientists were briefly described in this article.

The Yassavi sect founded by Khwaja Ahmad Yassavi and its followers, the tradition of teacher-discipleship, wisdom, etc., were touched upon to a certain extent.

A number of positive conclusions are given in academician A. Saidov's scientific research works about Zangi ata's activities, including the valuable information in the book "Hazrat Zangi ata".

The spiritual activities of Hazrat Zangi ata during his lifetime in the field of religious protection, education of the nation, promotion of Sufism are considered to be a positive educational heritage for today's generation, and the activities of Hazrat Zangi ata were covered in this article as much as possible.

Key words: *Independence, Yassaviyyah, Hakim ata, Zangi ata, Amir Temur, pilgrimage tourism, scientific research, monograph, sources, manuscripts, Anbar ona, Himmatiy, hikmat, A. Fitrat, A.Saidov, Zangi ata complex, Sufism, Tariqah, sheikh, saint, Islamic studies, historiography.*

КИРИШ

Тасаввуф оламида катта нуфузга эришган Яссавийлик таълимоти, кўп асрлар давомида мусулмон халқларини илм-маърифатга даъват этиб келди. Ушбу таълимот намоёндаларининг улкан мероси бугунги кунда ҳам ижобий аҳамиятга эгалиги сабабли, олимлар ва тадқиқотчиларимиз томонидан кенг миқёсда ўрганилмоқда. Жумладан юртимизда Яссавийлик тариқатининг асосий ғоя ва тамойилларини тадқиқ этиш соҳасида, илмий изланишлар олиб борган исломшунос, тарихчи, филолог, адабиётшунос, файласуф, педагогогика фанлари бўйича тадқиқотчи ва олимларимиздан А.Фитрат, А.Саъдий, Э.Рустамов, Б.Қосимов, И.Ҳаққулов, Н.Ҳасанов, У.Алимов, Э.Каримов, К.Каттаев, Ж.Неъматова, М.Хажиева, А.Бектош, А.Нарзуллаев, Р.Абдушукуров, Ш.Ашурова, М.Эшмуҳаммедова, Т.Қораева, А.Бозоров, А.Зиеёвларнинг тадқиқот ишларини таъкидлаб ўтишимиз мумкин.

Мустақиллик йилларида Яссавийшунослик йўналиши янги босқичга кўтарилди, бу борада ҳукуматимиз томонидан ҳам қатор ташаббуслар кўрсатилди. Жумладан, Хожа Аҳмад Яссавий илмий-маърифий меросига юксак эҳтиром сифатида 1993 йил *"Аҳмад Яссавий йили"* дея эълон қилиниб бир қатор илмий-маърифий тадбирлар ташкил этилди. Яссавийлик тариқатининг асрлар оша халқларимизга етиб келишида Хожа Аҳмад Яссавий шогирдларининг ҳам хизмати каттадир. Жумладан, *Мансур Ота, Саид Ота, Сулаймон Боқирғоний (Ҳаким Ота), Садр Ота, Сўфий Муҳаммад Донишманд Зарнуқий, Бобо Мочин, Занги Ота, Амир Али Ҳаким, Луқмон Парранда, Имом Марғозий, Ҳасан Булғорий Абдумалик Ота, Хожи Бектош Вали, Тож Хож, Узун Хасан Ота, Саййид Ота, Исмоил Ота, Исҳоқ Хожа, Айман Бобо, Шайх Али Ота, Мавдуд Бобо, Бадр Ота, Халил Ота, Қусам шайх, Шайх Худойдод Вали* каби алломаларнинг Яссавия тариқатини янада такомиллаштириш, Марказий Осиё ва дунё бўйлаб тарқалишидаги илмий-маърифий фаолиятини алоҳида таъкидлаб ўтишимиз зарур.

УСУЛЛАР

Мақола умум қабул қилинган тарихий методлар – тарихийлик, қиёсий-мантиқий таҳлил, кетма-кетлик, холислик тамойиллари асосида ўрганилди.

МУҲОКАМА

Илмий мақоламизнинг асосий тадқиқот объекти сифатида Зангиота – Ойхўжа ибн Тошхўжа (баъзи манбаларда – Тожиддинхўжа, Тошхўжа) (Файзиев Т., Усмонов О., 1993: 3) мероси ва фаолиятининг юртимизда ўрганилиши белгилаб олинди.

Ҳазрат Зангиотанинг ҳаёт йўли бўйича мухтасар ҳолда айтишимиз мумкин-ки, бу инсон Хожа Аҳмад Яссавийнинг издоши, улуғ авлиё,

Яссавийлик тариқатининг тарғиботчиси, туркий халқлар шайҳи, *Ҳиммати*[1] тахаллуси билан ижод қилган хикматнафис шоир сифатида машҳурдир. Ҳазрат Зангиотанинг Ҳиммати таҳаллусларида ижод қилганлари бўйича бир қанча манбалар маълумот беради. Занги отанинг таваллуд йили тарихий манбаларда аниқ келтириб ўтилмаган, айрим маълумотларга кўра XII асрнинг охири – XIII асрнинг бошларида дунёга келган дея хулосалар берилади. Баъзи тадқиқотчилар, У.Эмбергенов, Ж.Шомуродовларнинг (Шомуродов Ж. 2010: 304) хулосасига кўра Занги ота ўз аёллари Анбар онадан 10 ёш кичик бўлганлигини таъкидлаб, Занги ота 1161 йилда туғилган дея ўз тахминларини илгари суради.

Амир Темур ва темурийлар томонидан Яссавийлик тариқатига юксак эҳтиром кўрсатилиб, ҳазрат Зангиота мақбараси 1395 йилда Амир Темур буйруғи билан бунёд этилиб, Мирзо Улуғбек даврида, 1420 йилда мажмуадаги қўшимча бинолар қурилиш жарёни якунланиб, мақбара обод этилган. Шўролар давридаги атеистик сиёсат оқибатида ҳазрат Занги ота мақбараси хароб ҳолатга тушиб қолди, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 20 сентябрдаги 259-сонли қарори билан тасдиқланган “2013-2015 йилларда Тошкент вилоятида туризм соҳасини ривожлантириш дастури” (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарори, 2013) доирасида Занги ота мажмуасини қайта таъмирлаш, ободонлаштириш ва инфратузилма тизимларини барпо этиш бўйича бош режа ишлаб чиқилди. Тошкент вилоятидаги Зангиота мажмуаси ва унга туташ ҳудудларда кенг кўламли қурилиш ва ободонлаштириш ишлари олиб борилди. Мажмуа ҳудудида 1000 ўринли янги масжид биноси ҳам қад ростлади.

Тасаввуф таълимотининг йирик вакили ҳисобланган ҳазрат Занги ота фаолияти ҳақида мустақиллик йилларида бир қатор тадқиқотлар олиб борилди, тадқиқотлар натижасида бир неча асарлар (Саидов А., 2015: 520), рисолалар (Зияев А. 2008: 60), мақолалар, газета ва журналларда илмий-оммабоп материаллар нашр этилди.

Жумладан, академик А.Саидов томонидан Занги ота ҳаётига бағишланган “Ҳазрат Занги ота” китоби 2015 йилда кенг жамоатчиликка тақдим этилди, ушбу китоб халқимиз, зиёлиларимиз томонидан ижобий қабул қилинди. ОАВ ва илмий нашрларда, интернет сайтларида асар бўйича кўплаб ижобий фикр-мулоҳазалар берилди. Ушбу асар 2017 йилда Ш.Пайзуллаев томонидан қорақалпоқ тилига таржима қилиниб, китобнинг таржима матни аввал Қорақалпоғистон газеталарида, кейинчалик Нукусдаги “Qaraqalpaqstan” нашриётида алоҳида китоб ҳолатида нашр этилди (Саидов А., 2017: 504).

Академик А.Саидов Занги ота ҳаётига бағишланган ўз тадқиқотларини давом эттириб, бир қатор янги тадқиқот натижаларини ҳам матбуотда эълон қилиб борди. Якунда А.Саидовнинг “Ҳазрат Занги ота” номли китоби 2023 йилда тўлдирилган ва қайта ишланган ҳамда илмий-тарихий жиҳатдан янада бойитилган ҳолда қайта нашр этилди. Асар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2021 йил 16 августдаги 03-07/5021-сонли хулосаси асосида нашрга тавсия этилган. “Ҳазрат Занги ота” китобининг тўлдирилган ва қайта ишланган янги нашрига мамлакатимиз ҳамда хориждаги бир қатор олимлар ўз ижобий тақризларини беришди. Жумладан, А.Чориев, П.Равшанов, С.Холбоев, Я.Олламов, Р.Йўлдошев, N.Hasan (Туркия), Ш.Рўзиназаровларнинг тақризларини таъкидлаб ўтишимиз мумкин, ушбу тақризларни юртимиз таниқли олимлари ва хорижий мутахассислар томонидан тақдим этилиши, асарнинг илмий қиймати ҳақида хулоса қилишимиз учун манбавий асос бўлади.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, китоб жуда катта илмий ва тарихий материалларни қамраб олган бўлиб, ушбу китобни ҳазрат Занги ота фаолияти бўйича мамлакатимизда амалга оширилган тадқиқот ишларининг комплекс тўплами дея айтишимиз мумкин. Жумладан, китобда ҳазрат Занги отанинг таржимаи ҳоли, хусусан, исм ва насаблари, аҳли аёллари, сулоласи, таваллуд ва вафот вақтлари, ватани, саёҳат ва изланишлари, устоз ва шогирдлари, Яссавия тариқатидаги даражалари, мақбара ва зиёратгоҳлари тўғрисида маълумотлар баён этилган. Ушбу асардан бугунги кунда кўплаб туристик фирмалар сайёҳларга Ҳазрат Занги ота ҳақида маълумотлар беришда ҳам фойдаланиб келмоқда.

Шунингдек, асарда Ҳазрат Занги отанинг маънавий камолати, каромат ва фазилатлари, бу инсон ҳақидаги турли шеър ва ривоятлар ҳамда тадқиқотимизнинг энг муҳим томони бўлган исломшунослик, тарихшунослик жиҳатидан Шарқ ва Ғарб давлатларидаги ўрганилиши бўйича ҳам бир қатор маълумотлар таҳлил этилган.

Ҳазрат Занги ота бевосита Яссавийлик тариқатининг вакили эканлигини эътиборга олсак,

[1] Ҳиммат – ғайрат, шижоат, жўшқинлик, ҳаракат, ҳафсала, қунт маъноларини англатади. Умумий маънода мурувватлилик, олижанобик, улуғворлик, бағрикенглик, тантилик, буюклик ва ҳотамтойлик каби тушунчаларни қамраб олади. Маънавият: асосий тушунчалар изоҳли луғати. –Т.: “Ғ.Ғулом”, 2009. – Б.751. Тасаввуф таълимотида ҳимматли бўлиш алоҳида ўринга эга бўлиб, юқорида берилган шарҳдан ҳам кенгроқ ва мураккаб маъноларни англатади.

юртимизда Яссавий таълимотининг ўрганилиш ҳолатини ҳам таҳлил қилиб ўтишимиз мақсадга мувофиқдир. Жумладан миллий тадқиқотларимизда дастлаб Абдурауф Фитрат тадқиқотларини энг эътиборли изланишлар қаторида таъкидлашимиз мумкин (Абдурауф Фитрат., 2000: 31-36).

Шунингдек, Шарқшунослик қўлёзмалар институти томонидан 1952-1987 йиллар мобайнида "ЎзССР ФА Шарқ қўлёзмалари тўплами" ("Собрание восточных рукописей Академии наук Узбекской ССР") номи билан 11 жилддан иборат католог нашр этилган. Ушбу тўпламнинг шеъриятга бағишланган II жилдида Хожа Аҳмад Яссавий ҳикматлари мавжуд бўлган жами 13 та қўлёзма тавсифи ўрин олган бўлиб, шундан 10 таси "Девони Хожа Аҳмад Яссавий" сифатида тавсиф қилиниб, яна учта баёз таркибида Яссавий ҳикматлари мавжудлиги қайд этилган. Бу катологнинг туркий тиллардаги асарлар тавсифига бағишланган VII жилдида Яссавий ҳикматлари мавжуд битта қўлёзма тавсифи ўрин олган.

Истиқлол йилларида нашр этилган катологларда ҳам Хожа Аҳмад Яссавий меросига доир маълумотлар берилган, жумладан, ўзбек ва немис олимлари ҳамкорлигида 2002 йилда нашр қилинган "Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Шарқшунослик институтида сақланаётган XVIII-XX асрларга оид тасаввуфий асарлар катологи"да 6 та қўлёзмада Хожа Аҳмад Яссавий хикматлари борлиги қайд этилган. Мутахассислар ушбу қўлёзмаларнинг тўрттаси асосий ва иккитаси дублет фондга, яъни Шарқшунослик институтида сақланаётган иккинчи фондга тааллуқли эканини аниқлашган. Ушбу институтнинг 3 фондида сақланаётган Хожа Аҳмад Яссавий ҳикматларини ўз ичига олган 175 та қўлёзма китоб аниқланиб, уларнинг катологи тузилди. Шунингдек, Ҳамид Сулаймон номидаги (собиқ) Қўлёзмалар институти ходимлари томонидан тузилган каталоглардан икки жилди 1988-1989 йилларда нашр этилган бўлиб, каталогнинг биринчи жилдида Хожа Аҳмад Яссавий ҳикматлари ўрин олган 22 та қўлёзманинг тавсифи ўрин олган бўлиб, ушбу қўлёзмаларнинг асосий қисми мажмуа ва баёзлардир (Саидов А., 2023: 57-58).

Мустақиллик йилларида Занги ота ҳаёти ва фаолиятига бағишланган тўртта ҳужжатли фильмлар тасвирга олинди. 2016 йилда Занги ота зиёратгоҳи ёдгорлик мажмуаси расмий веб-сайти – zangi-ota.uz сайтига асос солинди. Сайт ҳазрат Занги ота тарихий-меъморий ёдгорлиги ҳақида бўлиб, унинг саҳифаларида Занги ота ҳақларида, уларнинг туғилиб, яшаган давр ва жойлари, касб-корлари, сифат ва сийратлари ҳақида маълумотлар берилган.

Ўзбекистон Республикасининг Президентининг 2021 йил 9 февралдаги ПФ-6165 сонли фармонига (Ўзбекистон Республикасининг Президенти фармони, 2021) кўра Занги ота мажмуасида Зиёрат одоби ва тартиби акс эттирилган маълумотларни жойлаштириш. Мажмуа атрофида ҳалол туризм талабларига жавоб берувчи овқатланиш шохобчаларини ташкил этиш белгиланди. Шунингдек, зиёратгоҳ ҳақидаги босма ва электрон тарғибот материалларини ишлаб чиқиш ва кенг тарғиб қилиш, зиёрат одоби ва тартиби ҳақида буклетларни чоп этиш ва зиёратчиларга бепул тарқатиш, тарғибот ишлари учун 100 млн сўм маблағ ажратиш ҳам белгилаб қўйилди.

Ҳазрат Занги ота мажумаси ҳақида ЮНЕСКОнинг Тошкентдаги ваколатхонаси собиқ раҳбари Майкл Барри Лейн "Тошкентда "Жаҳон маданияти ёдгорликлари" рўйҳатига киритилган Усмон Мусҳафи, Беруний кутубхонаси, Бароқхон, Кўкалдош мадрасалари, Қаффол Шоший, Шайх Ховандн Тоҳур, Юнусхон, Занги ота ёдгорлик мажмуалари асраб-авайлаб сақланмоқда" дея, ўз ижобий фикрларини баён этади.

Н.Абдулаҳатов ҳаммуалифлигида чоп этилган "Ўзбекистон зиёратгоҳлари ва қадамжолари: Тошкент вилояти ва Тошкент шаҳри" (Эралиев Б., Останақулов И., Абдулаҳатов Н., 2015: 356) жилдида, шунингдек, 2017 йили "Ўзбекистон обидаларидаги дурдона битиклар" лойиҳаси доирасида ҳам юқоридаги ном остида 13 жилдли китоб-альбом чоп этилди. Ушбу нашрнинг Тошкент вилоятидаги меъморий иншоотларга оид жилдида, Занги ота тарихий-меъморий мажмуасидаги ёзувлар ҳақида маълумотлар тақдим этилган.

НАТИЖАЛАР

Занги ота – сўзининг этимологиясига оид таҳлилларга эътибор қаратсак, кўплаб тахминлар баён этилган. Жумладан, Занги ота Ҳимматий хикматларида ўз таналарининг қоралиги ҳақида бир қанча ишоралар берганини кўрамиз, бугунги кунда олиб борилаётган тадқиқотларда ҳам Занги сўзининг келиб чиқиши бўйича бир қатор таҳлиллар берилмоқда, ушбу таҳлилларни тўлақонли инкор этмаган ҳолда, Занги отанинг ўз ҳикматларидаги эътирофини энг кучли далиллардан бири деб ҳисоблаймиз.

Шунингдек, "Занги ота" – сўзининг келиб чиқиши бўйича яна бир қатор илмий-этнографик хулосалар бугунги кунда мавжуд. Жумладан, А.Саидов ўз тадқиқотида, Занги ота исмларининг

маъноси бўйича, мавжуд маълумотларни умумлаштириб бешта талқинни баён этади. Асосан Занги – сўзининг нима сабабдан қўйилганини, бу сўзнинг қандай маънолар англатиши бўйича кўплаб фикрларини келтиради (Саидов А. 2023: 44-48).

Асрор Самад баъзи ривоятларда Занги исми Хожа Аҳмад Яссавий томонидан ҳазрат Занги отага берилганлигини (Асрор Самад. 2007: 52) келтириб ўтади. М.Йўлдошев Занги сўзини келиб чиқишида, халқ орасида кенг тарқалган "Занжи" – "қора танли", "ҳабаш" маъносидаги сўзлар билан алоқаси йўқлигини ҳам таъкидлаб, туркий сўз - "Занг" ўзагидан ясалганини таъкидлаб, Бурят, мўғул, тува ва бошқа туркий тилларда "занги" сўзи тарихда "уруғбоши", "қабилабоши" каби маъноларни англатган дея ўз хулосасини беради (Йўлдошев М. 2013: 11). Тадқиқотчи Х.Бердиевнинг фикрича, "Занги ота топониминнинг маънавий ўзаги диний бағрикенгликни ифода этувчи ўзига хос культга бориб тақалади. Занги ота культи Марказий Осиё халқларининг исломга қадар мавжуд бўлган чорва культининг ислом дини руҳида трансформациялашуви натижасидир" (Бердиев Х. 2014: 198) дея ўз хулосасини беради.

Занги ота шажараси бўйича олиб борилган илмий тадқиқотларда изланувчилар Занги отани Хожа Аҳмад Яссавийнинг устози Арслонбоб авлоди бўлганлиги юзасидан бир қатор илмий фикр ва мулоҳазаларини билдириб ўтган. Жумладан, А.Саидов бу борада тарихчи олимлар келтирган маълумотлар бўйича ўз ёндошувини билдириб, Хожа Аҳмад Яссавий насабномасини келтириш билан чекланади ва якуний хулосани мутахассислар ҳукмига қолдиради. К.Каттаев томонидан "Васиқанома" ("Авлоднома")да ҳам бир қатор маълумотлар ойдинлашиб, саҳоба, ҳазрати Али ибн Абу Толиб (р.а.) нинг бошқа аёлларидан туғилган Имом Муҳаммад Ҳанифа авлодларидан тарқалган бўлиши мумкинлигига оид, жумладан, Хожа Аҳмад Яссавий ва Занги отанинг холаваччалигига маълум маънода далолат қилувчи маълумотларни кўришимиз мумкин.

Занги ота авлодлари ҳақида ҳам кўплаб маълумотлар насабномалар мавжуд бўлиб, жумладан З.Жўраев томонидан "Қутб-ул-ақтоб шоҳи Занги бобо" шажараси (Ашрафхўжаев Ф., Жўраев З., 2017: 272), яъни Арслонбоб насабномаси ўзбек тилига таржима қилинди. Умуман олганда Занги отанинг насаблари бўйича ҳужжатлар турли даврларда 170 га яқин султонлар ҳамда қозикалонлар томонидан тасдиқлаб келинган.

Занги отанинг устозлари масаласида Хасанхожа Нисорий "Музаккир ул-аҳбоб" (Дўстлар ёдномаси): тазкирасида "Занги ота Ҳазрат Ҳаким отанинг муриди бўлганлар. Аммо маъний ҳасби бўйича тарбиятни ўз отаси Тожхожадан ҳам топганлар" дея, маълумот бериб ўтади (Хасанхожа Нисорий. 1993: 269). Занги отанинг устози Ҳаким ота Хожа Аҳмад Яссавийдан, Хожа Аҳмад Яссавийга эса Арслонбоб ва Юсуф Ҳамадонийлар устозлик қилган.

Хожа Аҳмад Яссавийнинг ҳаёт йўлида катта аҳамиятга эга бўлган, машҳур инсонлардан бири ҳисобланган Арслонбоб (Арслон бобо) тахминан XI асрда яшаб ўтган Туркистонлик машҳур сўфий бўлиб, Хожа Аҳмад Яссавийга дастлабки тасаввуф илмларидан таълим-тарбия беради (Mukhamedov N., 2020:439-443), бу ҳақда Хожа Аҳмад Яссавий ҳикматларида жуда кўп бора таъкидланган. Жумладан, ҳикматларининг бирида "Етти ёшда Арслонбобом берди Салом" дея таъкидласа, бошқа ҳикматларида "Арслон бобом дину ислом баён қилди", дея маълумот беради. Аммо Арслонбоб ҳақида маълумотлар жуда озлиги бўйича Яссавийшунос олим Н.Ҳасан ўз маълумотларини бериб ўтган.

"Арслон" номи Арслонбобнинг исми эмас, балки лақабларидир, чунки "арслон" ислом тарғиботи учун курашганларга қўйиладиган бир куня бўлгани ислом-тасаввуф тарихидан маълум", деган қарашлар ҳам мавжуд. "Боб", "бобо", "ота" каби атамалар шайх, валий ва пирларга нисбатан ишлатилган. Машҳур сўфийларнинг исмларига қўшиб айтиладиган "боб" сўзи арабчада "эшик" ("дарвоза") маъносини билдиради. Арслонбоб бўйича турли тадқиқотлардан хулоса қилиб айтишимиз мумкин-ки, бу инсон 300-500 йил яшагани ҳақида ривоятлар тўлиқ илмий асосга эга эмас, баъзи тадқиқотчилар Хожа Аҳмад Яссавийга яқин қариндош ва замондош инсон бўлганлигини ҳам таъкидлаб ўтган.

Занги отанинг бевосита устозларидан бири бўлган Сулаймон Боқирғоний – Ҳаким ота бўлиб, Хоразмнинг Боқирғон қишлоғида таваллуд топган. Сулаймон Боқирғоний 1192 йили (баъзи манбаларда – 1186 йили) вафот этган. Бу инсон Хожа Аҳмад Яссавийнинг энг машҳур шогирди, халифаси, ҳикматнафис авлиё, Яссавийлик тариқати тарғиботчиси ҳисобланади.

Ҳаким отанинг Ойша биби исмли қизи бўлгани ва унинг мақбараси (Айша-Биби) Тароз шаҳри (Қозоғистон Республикаси, Жамбул вилояти) яқинида экани қайд этилган. Айрим манбаларга кўра, Ойша биби мақбараси Жамбул (Авлиё ота) шаҳрига 15 км атрофидаги яқин масофада жойлашган. Бугунги кунга қадар тарихий ёдгорлик сифатида сақланиб қолган, Ўзбекистонлик зиёратчилар ташриф буюрадиган масканлардан бири ҳисобланади (Эргашев Б. 1994: 16).

“Маноқиби Сулаймон ото” асарида Анбар она ҳақида ҳам маълумотлар келтириб ўтилган, Жумладан, Анбар биби отасининг исми Буғрохон экани ва у Қорахонийлар сулоласи хонларидан бўлгани таъкидланиб, Анбаройимни Ҳаким отага никоҳлаб қайд этилган. Шундан сўнг Буғрахон ўзи ва яқинлари билан Ҳаким отага мурид бўлганлиги келтириб ўтилган (Фахруддин Али Сафий., 2004: 25). Айрим манбаларга кўра, Буғрохоннинг уч нафар қизи бўлиб, Анбар биби уларнинг кенжаси ҳисобланган. Хасанхожа Нисорий ўзининг “Музаккир ул-аҳбоб” тазкирасида қайд этишича, “Рашаҳот соҳиби Анбар она Буроқхоннинг қизи деб ёзади, бу нақл тўғри эмас”. Ушбу асар таржимони ва изоҳлар муаллифи И.Бекжон қорахонийлар (Қошғар) хонлари орасида Буғрахон (ёки Буроқхон) исми билан танилган ва Ҳаким отага замондош бўлган шахс учрамаганига эътибор қаратган. Ҳорут ибн Мусо ибн Сотуқ (Буғрохон) 992 йили, Буғрохон Болосоғуний эса XI аср бошида вафот этганлар. Маълумотларда чалкашликлар бўлсада, ҳар ҳолда, Анбар она қорахонийлар хонадонига тааллуқли, фозила аёл бўлгани аниқ. Бу каби фикрларни Ўзбекистонда кўп йиллар яшаган Афғонистонлик фиқҳшунос олим, Абдулҳаким Шаръий Жузжоний “Тасаввуф ва инсон” асарида ҳам алоҳида таъкидлаб қуйидаги фикрларни билдиради: “Анбар биби энг олий табақа – шоҳ оиласига мансуб бўлишига қарамасдан, ҳар иккала руҳоний раҳбар, яъни Ҳаким ота ва Занги ота билан ҳаёт кечирганлар ва ўз инсонийлиги билан бугунги кунга қадар номи буюк инсонлар қаторидан ўрин олиб, ҳурмат ва олқишларга сазовор бўлиб келганлар” (Жузжоний А.Ш., 2001: 46).

Шунингдек, Анбар она Ҳаким ота билан турмушлари даврида учта ўғил фарзанди Муҳаммад (Маҳмуд) Хожа, Асқар Хожа, Ҳубби Хожа бўлгани таъкидланса, баъзи манбаларда иккита ўғли Султон Ҳубби ва Асқар Мамит бўлганлиги келтирилади. Ж.Шомуродов Анбар биби Ҳаким ота вафот этганларида 41 ёшда бўлганлигини ҳисобга олиб фарзандлари бу вақтга келиб 20-25 ёшлар оралиғида бўлганини тахмин қилишимиз мумкин. Баъзи ривоятларга кўра Анбар она Занги отадан 10 ёш катта бўлган (Шомуродов Ж., 2002: 11).

Тарихий манбаларда Занги ота ва Анбар онанинг турмуш қуришлари ҳақида кўплаб ривоятлар келган, жумладан, “Рашаҳот” асарида келтирилган маълумотга кўра Ҳаким отанинг қора рангги кўпроқ бўлганлиги сабабли Анбар онанинг хаёлида баъзи эътирозлар бўлганлигни каромат билан билган Ҳаким ота мендан кейин янаям қорароқ инсонга турмушга чиқишларини башорат қилган, Ҳаким ота вафотларидан сўнг шогирди Занги отага турмушга чиққанлиги маълум, дастлаб Анбар она қайта турмуш қуришни истамаганликлари, аммо кейинчалик Занги ота билан турмушларини Илоҳий тақдир дея қабул қилганлиги кўплаб манбаларда келтирилади.

Анбар онанинг Яссавия тариқатидаги ўрни бўйича баъзи манбаларда юқори баҳо берилган, жумладан Хожа Шамсиддин – Султон Мирҳайдар ота Балхдан Урганчга, Ҳаким ота – Сулаймон Боқирғоний мақбарасига келиб Қуръони карим хатми билан қирқ кун машғул бўлганини кўради ва Анбар она тугунидан Ҳаким ота ва Занги ота кийган чакмон, яъни туя юнгидан тўқилган сўфийлик ҳирқасини Хожа Шамсиддиннинг устига ёпган. Шундан сўнг Хожа Шамсиддин - Султон Мирҳайдар отанинг улуғ даража – Султон мақомига етганини айтиб, башорат ва дуолар қилган. Шунингдек, Ҳаким ота ва Занги отадан мерос қолган асо (ҳасса) ни топшириб, Хожа Шамсиддинни ҳирқа ва асо соҳиби эканлиги ҳам Яссавийлик тариқати давомчиси, яъни шайҳларидан бири сифатида баҳо беради (Чориев А., 2013: 33-34).

Ҳимматий – тахаллусининг Занги отага берилиши бу инсоннинг сахий ва олижаноб бўлганлигига далолат қилади. Шу билан биргаликда тасаввуфда мурид камолати учун ҳимматли бўлиш алоҳида ўринга эга бўлиб, ўз навбатида тариқатда ҳимматли бўлиш турли мураккабликларга эга бўлган руҳий жараённи ҳам англатади. Жумладан Алишер Навоий “Маҳбуб ул-қулуб” асарида “... сахийлик инсоннинг баданидир, ҳимматлилик - унинг жони. Ҳимматсиз киши эр сонида эмас, чунки жонсиз баданни киши тирик демас” дея ўз қарашларини баён этган. А.Фитратнинг томонидан тақдим этилган тарихий маълумотларга кўра Занги Отанинг отаси ҳам шеърият билан шуғулланган, жумладан, Сулаймон Боқирғонийнинг “Боқирғон китоби”даги айрим шеърий парчалар Занги Отанинг оталарига тегишли эканлиги таъкидлаб ўтилади. Ҳимматий тахаллусида шеър ёзганлиги тарихий ҳақиқат бўлсада, бугунгу кунгача Занги Отанинг алоҳида шеърий тўплам ёки девони аниқланман. Э.Очиловнинг эътирофига кўра Хожа Аҳмад Яссавий туркий халқлар адабиётида ҳикмат жанрининг асосчиси ҳисобланади (Очилов Э., 2013: 10), Занги ота Хожа Аҳмад Яссавийнинг бевосита шогирдларидан бири сифатида, устозининг анъаналарига риоя қилган ҳолда Ҳимматий тахаллусида ҳикмат жанридаги ўз шеърларини халқимизга баён этган.

Академик А.Саидов “Ҳазрат Занги Ота” китобида Занги ота ижодига мансуб бир қанча шеърий намуналарни тақдим этади. Жумладан, Шайҳ Зинда Алининг 1277 йили кўчирилган “Самарат ул-машойих” асарида Занги отанинг

форсий ва туркий тилда ёзилган ҳикматларини келтириб ўтади. “Самарат ул-машойих” асарининг Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти қўлёзмалар фондида иккита қўлёзмаси (инв.№1336, №2619) сақланаётганлигини билдириб ўтган. Ушбу асар юзасидан дастлаб А.Фитрат, кейинчалик Б.Бобожонов, Н.Хасан ва туркиялик олим Н.Турсун хабар берганлигини таъкидлаб ўтади (Саидов А. 2023: 51). 2012 йилда Туркия Республикаси Истанбул шаҳрида Хожа Аҳмад Яссавийга бағишлаб ўтказилган халқаро анжуман маърузаларида Шайх Зинда Алининг “Самарат ул-машойих” асарида форсий тилда берилган Занги Ота шеърларининг туркий маънолари ҳам тақдим этилади (Рафиддинов С., 2012: 80-84). Шунингдек, Темурнома асарида ҳам Занги отага нисбат берилган рубоий ва ушбу рубоийнинг ёзилиш тарихи ҳақида маълумотлар келтириб ўтилади.

А.Саидовнинг изланишлари натижасида, бугунги кунда ЎзР ФА Шарқшунослик институти фондларида сақланаётган иккита қўлёзма манбада араб имлосида эски туркий тилда ёзилган “Занги Ота ҳикмати” номли шеър илк маротаба халқимизга ҳавола этилди. Шу билан биргаликда Ф.Ашрафхўжаев, З.Жўраевларнинг сўнгги тадқиқотлари (Ашрафхўжаев Ф., Жўраев З., 2017: 272) натижасида яна бир рубоий аниқлангани маълум бўлди. Аҳмад Ҳазинийнинг “Манба ул-абҳор фи риёзил аброр” (“Яхшилар боғларидаги денгизлар манбаси”) асарида Яссавий тариқати, шайҳлари ҳақида бир қатор маълумотлар тақдим этилган.

ХУЛОСА

Хулоса сифатида ҳазрат Занги ота ҳақида машҳур авлиё Хожа Аҳрор Валийнинг “Ҳар тонг ва шомда қулоғимга Занги отанинг мозори тупроғидан “Аллоҳ” зикрининг самога юксалиши эшитилади” (Рафиддинов С., 2011: 78),, Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий (марҳум) Усмонхон Алимовнинг “гарчи Занги отадан бой адабий мерос сақланиб қолмаган бўлса-да, лекин Яссавия шажаралари, тазкиралар, ҳужжатлар, тарихий асарлар каби аксарият тарихий манбаларда бу машҳур авлиё ҳақида эътиборга лойиқ маълумотлар қайд этилган” (Алимов У., 2010: 3-4), дея эътироф этишларидан келиб чиқиб айтишимиз мумкинки, Занги ота асосий фаолиятларини шахсий камолатларига, муридлар тарбиясига, халқ ўртасида Яссавийлик таълимотининг тарғиботи ва бу таълимотнинг вакили сифатида намуна бўлишга катта эътиборни қаратган. Шунингдек, Занги ота ва бу зотнинг халифаларининг саъй-ҳаракатлари, фидойилик билан қилган хизматлари, иршодлари сабабли Дашти Қипчоқ туркlари, Сибирь, Қозоғистон, Ўрол, Волгабўйи, Татаристон, Бошқирдистондаги кўплаб миллатлар ислом динини қабул қилганлар. Шунингдек, чорвадор аҳоли бу инсонни ўз пирлари сифатида кўришган, чунки Занги ота халқнинг подасини боқиш билан шуғулланган бўлиб, тарихда чорвадорликларига оид кўплаб ривоятлар, авлиё инсонларга хос бўлган карoматлари ҳам келтириб ўтилган.

Занги ота томонидан ҳам ҳикматларга эътибор қаратилишида, шарқ халқларига хос бўлган ҳикматнафислик анъанаси ҳам алоҳида таъкидлаб ўтишимиз керак. Ҳикматнафислик кўп асрлик тарихга эга бўлиб, ҳикматларни юқори санъат даражасига олиб чиққан аждодларимиздан бири Хожа Аҳмад Яссавий ҳисобланади, ушбу анъана шогирдлари томонидан ҳам давом эттирилиб, бугунги асримизда ҳам ҳикматнафислик ўз долзарблигини асраб қолди. Масалан, таълим-тарбия жараёнида, шеърхонлик кечаларида, панд-насиҳатга оид қўшиқларда ҳикматларга мурожаат қилиш анъанаси сақлаб қолинган. Шуни ҳам алоҳида таъкидлашимиз керак-ки, Хожа Аҳмад Яссавий, Сулаймон Боқирғоний (Ҳаким ота) ёки уларнинг издошлари ҳикматларини мансаб, обрў-эътибор ёки моддий манфаатлар нуқтаи назаридан ёзмаганлар, аксинча халқни илм-маърифат, одоб-ахлоқ, маънавий камолот сари даъват этиш учун восита мақсадида баён этганлар.

Профессор Н.Ҳасановнинг фикрича “Аҳмад Яссавийнинг мақсади халққа дин ва тасаввуф ҳақиқатларини етказиш эди. Шу боис унинг ҳикматларида тасвирланган диний-тасаввуфий қонун-қоидалар, муножоту фарёдлар, тавбаю истиғфорлар фақат мана шу ғояга асосланган” (Ҳасанов Н., 2010: 4). Айнан шу каби фикрларни ҳам Занги отага нисбатан ҳам таъкидлашимиз мумкинлиги ҳақида профессор У.Уватов ҳам ўз мулоҳазаларини билдириб ўтади, чунки, бу улуғ шайҳ дала-даштларда эркин кезиб, пода боқиб юриш асносида ўз таълимоти ҳақиқатларига оид ҳикматларни шеърий йўсинда солиб айтиш учун қулай шарт-шароитга эга бўлган дея хулоса берадилар. Шунингдек, Яссавий ҳикматларини шарҳлаш жараёнида собиқ мустабид тузум ва мустақиллик йилларидаги ўзаро фарқли жиҳатларни кўрамиз. Масалан, адабиётшунос олим Б.Қосимовнинг “Ҳикматлар шеърияти” номли мақоласида ҳикматларни айюҳаннос солиб ўқишга, даъватни – яъни ҳақиқатни жар солиб инсонларга айтиш, адолатсизликларга, мол-дунёга берилиб

кетишга, кибр ва манманликка қарши ҳаракат қилишга чорлашни кўрамиз, мустабид тузумда ҳикматлар нотўғри талқин қилиниб, халқни жабр ва зулмларга сабр қилиб яшашга, қулликка, хорликка рози бўлишикка даъват қилинаяпти дея, нотўғри талқин қилиниб шарҳланди.

Ҳикматнафислик асосида ижод қилган инсонларни “Аҳмад Яссавия мактаби шоирлари” ёки “Аҳмад Яссавий издошлари” деб аташ одат тусига кирган. Ҳикматнавислик анъанаси туркий адабиётда бир неча аср мобайнида самарали давом этди. Жумладан, XVIII аср охири ва XIX аср биринчи ярмида Қўқонда яшаган мутасаввуф олим, ҳикматнафис шоир, Яссавийлик мактабининг издоши Азим Хожа Эшон қаламига мансуб “Ҳикмат” китоби тасаввуф сулукини изчил баён этган машҳур асарлардан бири ҳисобланади. 1993 йилда истиқлол шарофати сабабли ушбу асар 1894 йили Тошкентда “Каменский” матбасида чоп этилган Аҳмад Яссавий девонидан олиниб, алоҳида китоб ҳолида илк маротаба нашр этилди.

Шуни таъкидлаш зарурки, Занги ота яшаган давр жабр ва зулм кучайган, мўғуллари истибдоди оқибатида илм-фан, иқтисодиёт, маънавий-маданий ҳаёт инқирозга юз тутган эди. Айнан ушбу оғир вазиятда Занги ота ва шогирд издошлари халқни яхшиликка, меҳнатсеварликка, тақво ва шариатга амал қилишга, адолатли ва меҳр шафқатли бўлишга даъват этади.

АДАБИЁТЛАР

1. Абдурауф Фитрат. (2000). Яссавий мактаби шоирлари тўғрисида текширишлар / Абдурауф Фитрат. Танланган асарлар, II жилд. // Илмий асарлар / Нашрга тайёрловчи ва изоҳлар муал. Ҳ. Болтабоев. – Т. : Маънавият, 2000. – Б. 31-36.
2. Алимов У. (2010). Сўз боши / Ҳожи Саъдуллоҳ Ҳожи Камолиддин ўғли. Ҳазрат Занги ота ва Анбарбибининг тарихи. – Т. : Yurist-media markazi, 2010. – Б. 3-4.
3. Асрор Самад. (2007). Занги ота марқади: афсона ва ҳақиқат / Асрор Самад. Вафо вожиблари. Биринчи жилд. – Т. : Фан, 2007. – Б. 52.
4. Ашрафхўжаев Ф., Жўраев З. ().Ҳазрат Зангиота ва Соҳибқирон Амир Темур (Ҳикоятлар, ҳикматлар, ривоятлар, мулоҳазалар): Монография. – Т. : Наврўз, 2017. – Б. 272.
5. Бердиев Х. (2014). Занги ота топониминиг илдизи диний бағрикенглик тимсоли // Конфессияларо мулоқот ва диний бағрикенглик – жамият барқарорлиги гарови. Халқаро конференция материаллари тўплами. Тошкент, 2014 йил 12 ноябрь. – Т. : Тошкент ислом университети, 2014. – Б. 198.
6. Жузжоний А.Ш. (2001).Тасаввуф ва инсон / Масъул муҳаррир А.Х.Саидов. – Т.: Адолат, 2001. – Б. 46.
7. Зияев А. (2008). Зангиата. В прошлом и настоящем: историко-архитектурный очерк. – Т. : Санъат, 2008. – С. 60. Занги ота: тарихлари, ривоятлар, карoматлар / нашрга тайёрловчи, сўз боши муаллифи ва масъул муҳаррир Сайфиддин Сайфуллоҳ. – Т. : Мовароунаҳр, 2001. – Б. 64. Асрор Самад. Занги ота марқади: афсона ва ҳақиқат / Масъул муҳаррир Алибек Рустамий. – Т.: Минҳож, 2004. – Б. 64. Хаджи Саъдулла Хаджи Камалиддин. Хазрат Занги Ата (жизнеописание, паломничество, вознесение молитв) / Отв.ред Шейх Абдулазиз Мансур. – Т. : Тошкент ислом университети, 2010. –С. 76. Рахшона Мирзо. Тарих садолари / Тошкентлик азиз сиймолар. – Т. : Navro’z, 2018. – Б. 172.
8. Йўлдошев М. (2013). Сўз ва ўз бирлиги // “Гулистон” журнали, 2013. – №2. – Б. 11.
9. Муаллифлар жамоаси. (2016). Занги ота: тарихий ҳақиқат ва ривоят / Масъул муҳаррирлар: Шайх Абдулазиз Мансур, Неъматулло Муҳаммедов. – Тошкент : Noshir, 2016. – 176 б.
10. Mukhamedov, N. (2020). Role of Zangi Ata in the Islamic culture of the region. ISJ Theoretical & Applied Science, 12 (92), 439-443. Soi: http://s-o-i.org/1.1/TAS-12-92-84 Doi: https://dx.doi.org/10.15863/TAS.2020.12.92.84
11. Рафиддинов С. (2011). Буюклар халқаси: олтин силсила валийлари / Масъул муҳаррир А.Назар. –Т. : Noshirlik yog’dusi, 2011. – Б. 78.
12. Рафиддинов С. (2012).Шайх Зинда Алининг “Самарат ул-машойих” асарида Яссавий ва Яссавия шайхлари ҳақида // Халқаро Хожа Аҳмад Яссавий симпозиуми материаллари. – Истанбул : Бағчилар, 2012. – Б. 80-84.
13. Саидов А. (2015). Ҳазрат Занги ота – Т. : Sharq, 2015. – 520 б.
14. Саидов А. (2023). Ҳазрат Занги ота – Т. : Zamon-Press-Info uyi, 2023. – Б. 57-58 ; Б. 44-48.
15. Саидов А. (2017). Ҳэзрети Зэнги ата – Nokis : Qaraqalpaqstan, 2017. – Б. 504.
16. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 20 сентябрда қабул қилинган “2013-2015 йиллар даврида Тошкент вилоятида туризм соҳасини ривожлантириш дастури тўғрисида”ги 259-сон қарори // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 39-сон, 510-модда.
17. Ўзбекистон Республикасида ички ва зиёрат туризмини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида. Ўзбекистон Республикасининг президентининг 2021 йил 9 февралдаги ПФ-6165 сонли фармони. URL : https://lex.uz/ru/docs/5283956
18. Файзиев Т., Усмонов О. (1993). Занги ота (ўлка тарихини ўрганувчилар учун) I қисм. – Т., 1993. – Б. 3; Ҳожи Саъдуллоҳ Ҳожи Камолиддин ўғли. Ҳазрат Занги ота ва Анбарбибининг тарихи. –Т. : Yurist-media markazi, 2010. – Б. 5.
19. Фахруддин Али Сафий. (2004). Рошаҳоту айнил-ҳаёт (Оби ҳаёт томчилари) / Нашрга тайёрловчилар М.Ҳасаний, Б.Умрзоқ. – Т. : Абу Али ибн Сино, 2004.

– Б. 25.
20. Хасанхожа Нисорий. (1993). Музаккир ул-аҳбоб (Дўстлар ёдномаси): тазкира / Таржимон ҳамда сўз боши ва изоҳлар муаллифи И. Бекжон. – Т. : А.Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1993. – Б. 269.
21. Ҳасанов Н. (2010). “Насойим ул-муҳаббат”да Яссавий ва унинг издошлари ҳақида // Ўзбек тили ва адабиёти, 2010, №5. – Б. 4.
22. Чориев А. (2013). Ҳазрат Султон Мир Ҳайдар ота тарихи. – Т. : Янги аср авлоди, 2013. – Б. 33-34.
23. Шомуродов Ж. (2002). Ҳаким ота – Хожа Сулаймон Боқирғоний. – Нукус. : Қорақалпоғистон, 2002. – Б. 11. ; 304.
24. Эралиев Б., Останақулов И., Абдулаҳатов Н. (2015). Ўзбекистон зиёратгоҳлари ва қадамжолари: Тошкент вилояти ва Тошкент шаҳри. – Т. : Turon Zamin Ziyo, 2015. – Б. 356.
25. Эргашев Б. (1994). Занги отанинг қизи (Ўлка тарихини ўрганувчилар учун). – Т., 1994. – Б. 16.

REFERENCES:

1. Abdurauf Fitrat. Yassaviy maktabi shoirlari to‘g‘risida tekshirishlar // Abdurauf Fitrat. Selected Works, Volume II. Scientific works / Preparation and comments author. H.Boltaboyev. – T.: “Ma’naviyat”, 2000. –P. 31-36.
2. Alimov U. So‘z boshi / Hoji Sa’dulloh Hoji Kamoliddin o‘g‘li. Hazrat Zangi ota va Anbarbibining tarixi. –T.: “Yurist-media markazi”, 2010. – P. 3-3.
3. Asror Samad. Zangi ota marqadi: afsona va haqiqat // Asror Samad. Vafo vojiblari. The first volume.– T.: “Fan”, 2007. – P. 52.
4. 4. Ashrafxo‘jayev F., Jo‘rayev Z. “Hazrat Zangiota va Sohibqiron Amir Temur” (Hikoyatlar, hikmatlar, rivoyatlar, mulohazalar). Monograph. –T.: “Navro‘z”, 2017. – P. 272.
5. Berdiyev X. Zangi ota toponimining ildizi diniy bag‘rikenglik timsoli // Konfessiyalararo muloqot va diniy bag‘rikenglik – jamiyat barqarorligi garovi. Collection of materials of the international conference. November 12, 2014. – T.: “Toshkent islom universiteti”, 2014. – P. 198.
6. Juzjoniy A.Sh. Tasavvuf va inson / Responsible editors A.X.Saidov. – T.: “Adolat”, 2001. – P. 46.
7. Ziyayev A. Zangiata. V proshlom i nastoyashem: istoriko-arxitekturniy ocherk. –T.: “San’at”, 2008. – P. 60. Zangi ota: tarixlari, rivoyatlar, karomatlar / preparer for the publication, author of the foreword and editor-in-chief Sayfiddin Sayfullah. – T.: “Movarounahr”, 2001. – P. 64. Asror Samad. Zangi ota marqadi: afsona va haqiqat / Responsible editors Alibek Rustamiy. – T.: “Minhoj”, 2004. – P. 64. Xadji Sa’dulla Xadji Kamaliddin. Xazrat Zangi Ata (jizneopisaniye, palomnichestvo, vozneseniye molitv) / Responsible editors Sheyx Abdulaziz Mansur. – T.: “Toshkent islom universiteti”, 2010. – P. 76. Raxshona Mirzo. Tarix sadolari / Toshkentlik aziz siymolar. – T.: “Navro‘z” 2018. – P. 172.
8. The team of authors: Zangi ota: tarixiy haqiqat va rivoyat / Shayx Abdulaziz Mansur, Ne’matullo Muhammedov Responsible editors: – T.: “Noshir”, 2016. – P 176.
9. Mukhamedov, N. (2020). Role of Zangi Ata in the Islamic culture of the region. ISJ Theoretical & Applied Science, 12 (92), 439-443. Soi: http://s-o-i.org/1.1/TAS-12-92-84 Doi: https://dx.doi.org/10.15863/TAS.2020.12.92.84
10. Yo‘ldoshev M. So‘z va o‘z birligi // “Guliston” magazine, 2013, №2. –P. 11.
11. Rafiddinov S. Buyuklar xalqasi: oltin silsila valiylari / Responsible editors A.Nazar. –T.: “Noshirlik yog‘dusi”, 2011. – P. 78.
12. Rafiddinov S. Shayx Zinda Alining “Samarat ul-mashoyix” asarida Yassaviy va Yassaviya shayxlari haqida // Xalqaro Xoja Ahmad Yassaviy simpoziumi materiallari. – Istanbul: “Bag‘chilar”, 2012. – P. 80-84.
13. Saidov A. Hazrat Zangi ota – T.: “Sharq”, 2015. – P. 520.
14. Saidov A. Hazrat Zangi ota – T.: “Zamon-Press-Info uyi”, 2023. – P. 57-58. P. 44-48.
15. Saidov A. Hezreti Zengi ata – Nokis: “Qaraqalpaqstan”, 2017. – P. 504.
16. O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2013 yil 20 sentyabrda qabul qilingan “2013-2015 yillar davrida Toshkent viloyatida turizm sohasini rivojlantirish dasturi to‘g‘risida”gi Decision No. 259 // Collection of legal documents of the Republic of Uzbekistan, 2013, No. 39, Article 510.
17. O‘zbekiston Respublikasida ichki va ziyorat turizmini yanada rivojlantirish chora-tadbirlari to‘g‘risida. Decree of the President of the Republic of Uzbekistan dated February 9, 2021 No. PF-6165. https://lex.uz/ru/docs/52839 56
18. Fayziyev T., Usmonov O. Zangi ota (for those who study the history of the country) I qism. –T.: 1993. – P.3; Hoji Sa’dulloh Hoji Kamoliddin o‘g‘li. Hazrat Zangi ota va Anbarbibining tarixi. –T.: “Yurist-media markazi”, 2010. – P.5.
19. Faxruddin Ali Safiy. Roshahotu aynil-hayot (Obi hayot tomchilari) / Publishers M.Hasaniy, B.Umrzoq. – T.: “Abu Ali ibn Sino”, 2004. – P. 25.
20. Xasanxoja Nisoriy. Muzakkir ul-ahbob (Do‘stlar yodnomasi): tazkira / Translator and author of the introduction and comments I.Bekjon. – T.: A.Qodiriy nomidagi xalq merosi nashriyoti, 1993. – P. 269.
21. Hasanov N. “Nasoyim ul-muhabbat”da Yassaviy va uning izdoshlari haqida // O‘zbek tili va adabiyoti, 2010, №5. – P 4.
22. Choriyev A. Hazrat Sulton Mir Haydar ota tarixi. –T.: “Yangi asr avlodi”, 2013. – P. 33-34.
23. Shomurodov J. Hakim ota – Xoja Sulaymon Boqirg‘oniy. – Nukus.: “Qoraqalpog‘iston”, 2002. – P.11., 304.
24. Eraliyev B., Ostanaqulov I., Abdulahatov N. “O‘zbekiston ziyoratgohlari va qadamjolari: Toshkent viloyati va Toshkent shahri”. – T.: “Turon Zamin Ziyo”, 2015, – P. 356.
25. Ergashev B. Zangi otaning qizi (For those who study the history of the country). – T., 1994. – P. 16.